**Олди сотди шартномаси № 173**

Андижон ш. « 17 » ноябр 2022 йил

Ушбу олди сотди шартномаси ***«Сотиб олувчи»*** деб аталувчи **Андижон биокимё заводи** ва унинг номидан Низом асосида иш олиб борувчи рахбари Х.Т.Юлдашев бир томондан ва ***«Сотувчи»*** деб аталувчи **“ INVEST DEVOLOPMENT ” M.CH.J** ва унинг номидан Низом асосида иш олиб борувчи рахбари Ортиков Оматилло иккинчи томондан келишув асосида амалдаги қонунларга мувофиқ тузилди.

## I. ШАРТНОМАНИНГ МАВЗУСИ

1.1. ***«Сотувчи»*** мазкур шартнома шартларига мувофиқ ***«Буюртмачи»***нинг топшириғига ва «17» ноябр 2022 йилдаги № **186102** сонли Лотга асосан Андижон биокимё заводи учун керакли махсулотларни етказиб беради.

| № | Махсулот номи | Сони кг | Нархи | Умумий киймати |
|---|---|---|---|---|
| 1 | **Пиёз** | **13 650** | 5 190 | 70 843 500 |
| 2 | **Сабзи** | **15 600** | 3 200 | 49 920 000 |
| 3 | **Картошка** | **19 500** | 5 900 | 115 050 000 |
| 4 | **Гуруч** | **5 850** | 14 273 | 83 497 050 |
| | **ЖАМИ:** | | | **319 310 550** |

## II. ШАРТНОМАНИНГ БАХОСИ ВА ХИСОБ КИТОБ ТАРТИБИ

2.1. Бажарилиши лозим бўлган ишлар ***«Буюртмачи»*** томонидан тасдикланган сметага ва танлов комиссиясининг карори билан тасдиқланган ишлар қиймати (барча солиқлар, йиғимлар ва ажратмаларни ўз ичига олган холда) га асосан жорий нархларда
**319 310 550** ( уч юз ўн тўккиз миллион уч юз ўн минг беш юз эллик минг) сўмни ташкил этади.

2.2. Шартнома томонлар ўртасида имзоланганидан сўнг 5 банк иш кунида ***«Буюртмачи»*** томонидан етказиб бериладигон махсулотлар учун умумий қийматининг 30% ини, яъни 95 793 165 ( тўксон беш миллион етти юз тўксон уч минг бир юз олтимиш беш) сўмини олдиндан аванс тариқасида ***«Сотувчи»***нинг хисоб рақамига ўтказиб беради.

2.3. Қолган 70 % и, яъни 223 517 385 ( **икки юз йигирма уч миллион беш юз ўн етти минг уч юз саксон беш** ) сўмини ***«Сотувчи»*** томонидан топширилган махсулотлар тўғрисидаги хисоб фактура маълумотномалар асосида 5 банк иш кунида ўтказиб беради.

2.4. ***«Буюртмачи»*** охирги тўловни ***«Сотувчи»*** томонидан махсулот тулик етказилиб, қабул қилиш – топшириш хисоб фактура ва маълумотномалар асосида 10 банк иш кунидан кечикмаган муддатда ўтказиб беради.

2.5. Бажарилган ишлар учун тўловлар ***«Буюртмачи»*** томонидан пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

## III. ТОМОНЛАРНИНГ ХУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

3.1. ***«Сотувчи»***нинг мажбуриятлари

Шартнома имзолангандан сўнг махсулотларни ***«Буюртмачи»*** хисоб фактура билан кабул килиб олади.

Мазкур шартномада илова қилинадиган молиялаштириш жадвалига мувофиқ биринчи аванс тўлови тушгандан бошлаб ишларни бажаришга киришади ва ишларни бажариш календар графигига асосан 10 кун муддатда махсулотларни топширади.

3.2. ***«Сотувчи»***нинг хуқуқлари

Етказиб бериладигон махсулотлар учун олдиндан аванс хақ тўланишини ва махсулотларни топширгандан сўнг тўла хажмда хисоб китоб килинишини талаб қилиш;

Етказиб берилган махсулотларни қабул килиб олиш асоссиз равишда рад этилиши натижасида етказилган зарарни қопланишини талаб қилиш;

3.3. ***«Буюртмачи»***нинг мажбуриятлари

Тасдиқланган махсулотларни қабул қилиб олиш;

Етказилган махсулотлар учун ўз вақтида хақ тўлаш;

3.4. ***«Буюртмачи»***нинг хуқуқлари

«Пудратчи»дан амалдаги давлат стандартлари ва бошқа меъёрий хужжатлар билан таъминлашни талаб қилиш;

Камчиликларни бепул бартараф этилиши ёки камчиликларни бошқа шахс томонидан тўғриланиши харажатларини қопланишини талаб қилиш;

«Сотувчи»дан шартномада курсатилган махсулотларни қабул килиш коммиссияси иштирокида махсулотларни сифатли холда қабул килиб олиш;

## IV. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

4.1. Томонлардан бири шартнома мажбуриятини бажармаса ёки зарур даражада бажармаса мажбуриятни бажармаган томон иккинчи томонга етказилган зарарни тўлайди;

4.2. «Пудратчи» объектни ўз вақтида топширмаганлиги учун «Буюртмачи»га хар бир кечиктирилган кун учун шартнома мажбуриятлари бажарилмаган қисмининг 0,5 % миқдорида пеня тўлайди. Тўланадиган пеня суммаси бажарилмаган мажбуриятлар баҳосининг 50 % идан ошмаслиги керак.

4.3. Аниқланган нуқсон ва камчиликлар «Пудратчи» томонидан ўз вақтида бартараф қилинмаса "Буюртмачи" тўловларни тўхтатиб, лозим даражада бажарилмаган ишларнинг 20 % и миқдорида жарима ундирилишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

4.4. Бажарилган ишлар етказиб берганмахсулотлар учун «Буюртмачи» томонидан ўз вақтида хақ тўланмаса, хар бир кечиктирилган кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,4 %и миқдорида пеня тўлайди. Тўланадиган пеняларнинг умумий суммаси кечиктирилган тўловларнинг 50 %и миқдоридан ортмаслиги керак.

4.5. Тўланадиган пеня ва жарималар шартнома мажбуриятларини бузган тараф иккинчи тарафга ана шу мажбуряитларни бажармаслик оқибатида етказган зарарларни коплаш жавобгарлигидан озод этилмайди.

## V. ЕНГИБ БЎЛМАЙДИГАН КУЧ (ФОРС МАЖОР) ХОЛАТЛАРИ

5.1 Ушбу шартнома бўйича мажбуриятларни тўлиқ ёки қисман бажарилмаслиги табиат ходисалари ва бошқа енгиб бўлмайдиган куч холатлари натижасида келиб чиқса ва бу холатлар шартнома шартларини бажарилишига бевосита таъсир этса томонларнинг жавобгарликдан озод этилиши Қонун хужжатларида белгиланган тартибда кўриб чиқилади.

## VI. ШАРТНОМАНИ ЎЗГАРТИРИШ, БЕКОР ҚИЛИШ ВА НИЗОЛАРНИ ХАЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

6.1. Мазкур шартнома белгиланган шаклда томонларнинг ўзаро келишувига мувофиқ ўзгартирилиши ва бекор қилиниши мумкин.

6.2. Мазкур шартнома бўйича юзага келиши мумкун бўлган низо ва келишмовчиликлар ўзаро мухокама йўллари билан хал этилади. Агарда ўзаро мухокама йўли билан хал этиш имкони бўлмаса Қонун хужжатларида белгиланган тартибда Иктисодий суди орқали хал этилади.

## VII. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТЛАРИ

7.1. Шартнома томонлар имзоланган кундан кучга кириб, 31 декабр 2022 йилгача амал қилади.

7.2. Шартнома 2 нусхада тузилиб, иккала нусхаси ҳам ҳуқуқий жихатдан тенг кучли ҳисобланади.

## VIII. ТОМОНЛАРНИНГ РЕКВИЗИТЛАРИ

| «СОТУВЧИ» | «СОТИБ ОЛУВЧИ» |
|---|---|
| "INVEST DEVOLOPMENT" M.CH.J<br><br>Манзил: Андижон вилояти. Андижон шахар 2-уй<br>Тел/Факс: +998 90 060 42 42<br>Х/в: 2020 8000 7054 3767 8002<br>Банк номи: "АЛОКАБАНК" АТБ<br>Тошкент в. Бош офиси.<br>МФО: 00401 ИНН: 308 856 004<br><br>О.Ортиков<br>(имзо)<br>М.У. | "ANDIJON BIOKIMYO ZAVODI" AJ<br>ANDIJON SH. BOBUR SHOX KO`CH.-12<br>X/R:20210000700285724001<br>"SANOATQURILISHBANK" ANDIJON BO`L.<br>MFO:00075 STIR:200240495<br>X/R:20210000300285724008<br>"HAMKORBANK" ANDIJON BO`L. MFO:00083<br>X/R:20210000300285724010<br>"TRASTBANK" ANDIJON BO`L. MFO:01074 |

“ТАСДИҚЛАЙМАН”
“Андижон биокимё заводи” АЖ
Бошқарув раиси
_______________ Х.Юлдашев
« 17 » ноябр 2022 йил

# ДАЛОЛАТНОМА

Биз, қўйида имзо қўйиб далолатнома тузувчилар, “Андижон биокимё заводи” АЖ танлов ўтказиш комиссиясининг аъзолари А.Ирматов, Ж.Ибрагимов, Х.Ахмедов, В.Кадиралиев, А.Хасанов И.Очиловлар хақиқатдаги кишлок хужалиги (сабзавотлар) захираси учун танловини амалга ошириш учун тегишли тартибда etender.uzex.uz электрон порталига энг яхши таклифларни танлаб олишга эълон берилиши мумкинлигини тасдиқлаймиз.

***Танлов комиссия аъзолари:***

| | |
|---|---|
| А.Ирматов | Маркетинг ва сотиб олиш буйича директор |
| Ж.Ибрагимов | Ички ва ташки сотиб олиш булими бошлиги |
| В.Кадиралиев | Корхона таъминотчиси |
| Х.Ахмедов | Корхона таъминотчиси |
| А.Хасанов | Корхона таъминотчиси |
| И.Очилов | АЁКШ мудири |